




**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЙОТИ**

2 / 2018

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси



Таянч сўз ва иборалар: роман, таржима, ибора, мақол.
 Ключевые слова и выражения: роман, перевод, фразеологизм, пословица.
 Key words and word expressions: novel, translator, phrase, prose.

Дилноза ТЎРАЕВА

РОМАНДА МАЖОЗИЙ ТАСВИР КЎЛАМИ

Асад Дилмурод услубини шакллантириб улгурган, сўз мағзини чуқур туюдиган, ҳодисалар силсиласида одамларни кўрадиган ҳамда бадий ҳақиқатни ҳаётини ҳақиқатдан устун кўрадиган ижодкор. Битиклари одатий тасаввурлар мезонига тўғри келмайди, аниқроғи, рўё ва реаллик, ҳаёт ва ҳаёт бадийят пардаси остида аралаш тасвирлангани боис улар ўқувчидан алоҳида адабий тайёргарлик талаб қилади. Муҳими, адиб жаҳон адабиёти ва миллий адабиёт эришган ютуқлар асосида узлуксиз изланиб келмоқда. Ноанъанавий йўлда қалам тебратганда, таниқли адабиётшунос олим Аҳмад Отабоев билан қилган суҳбатид¹ таъкидлагани каби, ақлий тафаккурни жиловлаб, кўпроқ ҳиссий тафаккурга суянади-да, объектив воқеликнинг реал тасвиридан четлашиб, тасавурида шундай воқеликнинг бадий лойиҳасини яратади. Охир-оқибат матнда реал воқеалар эмас, кўнглида қатланиб ётган ҳаёлий туғёнлар мажозий йўсинда ифодаланади.

Адиб миллий заминдан узилмай самарали изланаётгани диққатга сазовор. Асрлар оша миллий адабиётимизга салмоқли озиқ бериб келган тасавуф таълимоти, мажозийлик, мифология ва истиоранинг бадий-эстетик омилларидан унумли фойдаланади ва натижада шу омиллар ҳар бир асаридан чуқур из қолдиргани, жумладан, “Заррадаги олам”² романига жозибали романтик руҳ, бетакрор бадий шакл ва мазмун бағишлагани яққол кўзга ташланади.

Реал ва нореал воқеликка янгича муносабат, йўқликни бор деб билиш, кўз илғамас, сезимлар сезмас нарсалардан боҳабар бўлиш, кўнглига бутун оламни жойлаш – заррага оламни сиғдириш жараёнини кечиришдек мураккаб эстетик ҳолат “Заррадаги олам” мазмуни ва моҳиятини ичкаридан нурлантириб туради. Мазкур ҳолатни туйиш ва англаш масъулияти турли адабий-илмий тортишувлар кўзга ташланади.

Реал ва нореал воқеликка янгича муносабат, йўқликни бор деб билиш, кўз илғамас, сезимлар сезмас нарсалардан боҳабар бўлиш, кўнглига бутун оламни жойлаш – заррага оламни сиғдириш жараёнини кечиришдек мураккаб эстетик ҳолат “Заррадаги олам” мазмуни ва моҳиятини ичкаридан нурлантириб туради. Мазкур ҳолатни туйиш ва англаш масъулияти турли адабий-илмий тортишувлар кўзга ташланади.

Журнал вариантыга Ёзувчилар уюшмаси наср кенгаши томонидан ёзилган сўзбошида воқеа-ҳодисалар рамзийлашгани, тасвир турли ибратли ривоят, масал ва тимсоллар билан тўйинтирилгани учун роман бадийяти такомиллашиб, маънавий-маърифий моҳият касб этгани ҳамда таъсирчан драматизм намоён қилгани таъкидланади. Юқорида эслатилган суҳбатда Аҳмад Отабоев романдан олган таассуротини бундай шарҳлайди: “Заррадаги олам”ни зерикмай, қизиқиб ўқидим. Бадий матнда мантиқий тўқислик ва кўнглик сақланган”.

Ёзувчи Собир Ўнар ўзига яраша тажрибаси ва малакаси асосида “Заррадаги олам”га бошқача муносабат билдиради. “Адабиёт жим тургани эраавҳали мақоласида³ қайд этишича, роман ҳадеганда ўқувчинини

¹ Мажозийлик ва ҳиссий тафаккур // ЎзАС, 2017 йил 17 февраль.

² Дилмурод А. Заррадаги олам // Шарқ юлдузи, 2016, 8–10-сонлар.

³ Шарқ юлдузи, 2017 йил 7-сон.

тортиб кетавермайди, беҳад чигаллиги боис оғир ўқилади, мураккаб гап қурилиши ва жўн бўлмаган психологик ҳолатлар зерикарли ҳамда чалғитувчандир.

Биз “Заррадаги олам” баркамол роман деган фикрдан йироқмиз. Изланиш бор жойда, ижодий ютуқлар билан бирга, муайян камчиликлар ҳам юзага қалқиб чиқиши табиий ҳол. Шундай экан, бу икки ҳолат ҳаққоний таҳлилга тортилган тақдирда адолат қарор топишини қайд этмоқчимиз.

“Адабиёт жим тургани йўқ...” мақоласида мана шу тамойил четлаб ўтилади. Мақола аввалида муаллиф: “Бугунги романчилик ҳақида сўз кетганда мустақилликкача бўлган талқин, ўлчам, мезонлар билан гапириб бўлмайди” йўсинидаги фикрни илгари суради. Лекин бу эътирофини дарҳол унутиб, замонавий эстетик қарашлар бўйича мушоҳада юригиш ўрнига, истеъмодан чиққан кечмиш таассуротлари асосида ўйлашга киришиб, роман олдига социалистик реализм талабларини қўя бошлади. Эксперимент асар, хусусан, модерн адабиёти ҳеч вақт қучоқ очиб қутиб олинмаганига ишора қилиш баробарида “Заррадаги олам”га нисбатан ҳам хайрихоҳлик шарт эмас, демоқчи бўлади.

Ретроспектив (орқага қайтиб тасвирлаш) ва гротеск (мантиқий асос талаб қилмайдиган тасвир) усуллари асосида янги йўналишда битилган “Заррадаги олам”, бадиий-эстетик моҳиятига кўра, инсон қалби ва руҳий олами таҳлиliga бағишланган, ўқувчини ҳаёт ва ҳаёлотнинг олисдан-олис пучмоқларига етакайдиган ва муайян ички мусиқага қурилган кўп қатламли мураккаб роман. Муаллиф туйғудоши бўлиб, сўз ва фикрнинг ботиний оҳанглари чўқур туймаган ва адабий тайёргарликдан маҳрум муҳлис романга етарлича яқин боришда қийналиб, синтезлашган фалсафий қатламлар ораллигида эсанкираб қолиши шубҳасиз. Бироқ Собир Ўнар беҳад куйиниб изоҳлагани каби, роман тағзаминига етиб бўлмас мавҳум жумбоқдан ҳам иборат эмас. Роман ўзида жам мураккаб эстетик мантиқ ечимини шаклсиз ўзи топиб беради, бинобарин, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридан эпиграф тарзида келтирилган парча уни яхши тушуниш ва ҳис қилишда калит вазифасини ўтайди ва бундан кўз юмиш ножоиз.

Романда ҳар бир персонаж ўз қисмати, характери, қиёфаси ва руҳий дунёси билан эътиборни тортиб туради. Шунинг учун унда марказий ўринни эгаллаган Аваз, Ниҳон, Халил пурча, Заранг дароз, Шафоат пари, Мусабек, Лобар, Тоғай, Мажид гушна образлари, шунингдек, Қурама чўли, Чегирма тўқайи, Айригум жари, Шифо дарёси, Олача карвони, абадият тоғи, қора қузғунлар, етти қийғир, дотор, чанқовуз, шамол, илон, тошбақа, сариқ чаён, шамолвой каби рамзий образлар хотирамизга ўрнашиб қолади.

Агар жиддий эътибор қилсак, ёвузлик ва разолат тимсоли Халил пурча хатти-ҳаракатлари характерлараро конфликт юзага келтириб, сюжетдаги энг муҳим ҳалқаларни бирлаштириб туришини пайқаймиз. Хулқ-атворига сингиб кетган худбинлик ва очкўзлик иллатлари асосида муттасил ҳийлаю найранг билан шуғулланиб, Аваз ва Зилола муҳаббатини топташ асносида у ҳақиқий нафс бандаси сифатида гавдаланади. Умр бўйи қўйнида асралган қизил бошли илон ўз қони жавҳаридан яралгандай туюлади, мунтазам одамларга озор бергани учун охири сабру қарори битган қизилбош тўсатдан исён кўтариб, бир зарбда уни ҳалок қилади ва бу фавқулодда сирли якун ўйга

толдирувчи мажозийлик

Роман қурилишини тафалсафий тасвирдан ибтидо воқеликнинг тасаввурда динамикаси ўша лойиҳа заминида яширин ҳолати методи тақозо этадиган ямувофиқ тушмайди.

Романнинг етакчи қаҳармон бўлмас илми ҳол сир у асар пайтидан маънавий устод керак. Илоҳий ҳикматлар ва тарбияси остида Аваз равшанроқ очилиб, ўзини Тангри меҳри ва турфа мана Шифо дарёсига интилиш ҳаёти мазмунига айланади.

Аваз Зилолани Халил ўсмирлик даврида жону Авазга қаттиқ кўнгила боқиб қайта-қайта жиддий аҳду кўра, ҳою ҳавасга берилган юқори мартаба ва катта бадбахш Аҳду қарорда собит Авқачи кечишни истамайди ва ҳаёт тушган мусибатни бадиий изтироблар билан омехча ўткир хушёр ўқувчи назар

Алоҳида эстетик аҳду таҳлилида ҳам роман ботин зарур. “Шафоат пари” эмас, аксинча, ифбатни разолатни касб қилган ўқувчи аёлдир. Мусиқа жодусини ишонган Лобар тақдирини нозиктаб Шафоат пари меҳру оқибат, вафою ишони шу фазилати туфайли ўзи ва умр йўлдоши ҳур қилинади. Яхши ҳамки муҳаббат илтижоси оиланинг қад Натижада бедов матон қолади. Адолат юзасида қулаган Тоғай қиёмат қоқиб адиб кўр-кўрона муҳаббат кўз олайтирган кимса деган долзарб рамзий ху

ғир ўқилади, мураккаб
тавлар зерикарли ҳамда

дан йироқмиз. Изланиш
камчиликлар ҳам юзага
қолат ҳаққоний таҳлилга
моқчимиз.

на шу тамойил четлаб
лик ҳақида сўз кетганда
илан гапириб бўлмайди”
рофини дарҳол унутиб,
иш ўрнига, истеъмодан
иришиб, роман олдига
.и. Эксперимент асар,
иб олинмаганига ишора
хайрихоҳлик шарт эмас,

ютестик (мантикий асос
ий ўналишда битилган
инсон қалби ва руҳий
хаёлотнинг олисдан-
муסיқага қурилган кўп
ўлиб, сўз ва фикрнинг
айёргарликдан маҳрум
интезлашган фалсафий
ироқ Собир Ўнар беҳад
масмавҳум жумбоқдан
мантик ечимини шаксиз
“Насойим ул-муҳаббат”
яхши тушуниш ва ҳис
иш ножоиз.

эри, қиёфаси ва руҳий
тунда марказий ўринни
Шафоат пари, Мусабек,
Қурама чўли, Чегирма
ни, абадият тоғи, қора
н, тошбақа, сариқ чаён,
иб қолади.

г тимсоли Халил пурча
а келтириб, сюжетдаги
қаймиз. Хулқ-атвориға
осида муттасил ҳийлаю
итини топташ асносида
бўйи қўйнида асралган
ай туюлади, мунтазам
гган қизилбош тўсатдан
қулодда сирли якун ўйга

толдирувчи мажозийлик ташийд.

Роман қурилишини ташкил этган ўн тўққиз сайрнинг ҳар бири қаварик
фалсафий тасвирдан иборат руҳий эврилишлар ва қийноқлар ҳосиласи,
воқеликнинг тасаввурда яратилган бадиий лойиҳаси демақдир. Роман
динамикаси ўша лойиҳага тўла алоқадор бўлиб, руҳият ва драматизм
заминида яширин ҳолатда ривожланади ва бу ҳолат социалистик реализм
методи тақозо этадиган жарангдор пафос, баёнчилик ва жўнлик ўлчамларига
мувофиқ тушмайди.

Романнинг етакчи қаҳрамони Аваз ўқиш ва ўрганиш билан етишиб
бўлмас илми ҳол сир асроридан хабардор ўелон экани ва шу боис гўдаклик
пайтидан маънавий устози Ниҳон ҳурматини қозонганини унутмаслик
керак. Илоҳий ҳикматлар сеҳридан пухта хабардор ғайб фариштаси таъсири
ва тарбияси остида Аваз ҳар жиҳатдан муттасил улғая боради, қалб кўзи
равшанроқ очилиб, ўзанидан сув ўрнига инсон қалбини покловчи, ўзида
Тангри меҳри ва турфа маънавий неъматлар қувватини жамлаган сут оқувчи
Шифо дарёсига ингилиб яшаш хайрли бурч эканини англайди ва бу бурч
ҳаёти мазмунига айланади.

Аваз Зилолани Халил пурча ўйнашига айланган дамлардан бошлаб эмас,
ўсмирлик даврида жону дил билан севиб қолган, айна пайтда, Зилола ҳам
Авазга қаттиқ кўнгила боғлаган ва келгусида турмуш қуриш бўйича ўртада
қайта-қайта жиддий аҳду паймон бўлган. Аммо кейинча, тақдир тақозосига
кўра, ҳою ҳавасга берилиб, алдовга учган Зилола ваъдасига вафо қилмай,
юқори мартаба ва катта бойлик эгаси саналган Халил пурчага илашиб кетади.
Аҳду қарорда собит Аваз имонию эътиқодига пайванд муҳаббатидан воз
кечишни истамайди ва ҳижрон азобида мунтазам ўртанади. Йигит бошига
тушган мусибатни бадиият мезонлари асосида, руҳий эврилиш, қийноқ ва
изтироблар билан омухта ҳолда теран ифодалаган тасвир йўсинини диди
ўткир хушёр ўқувчи назардан қочирмайди.

Алоҳида эстетик аҳамиятга молик Шафоат пари ва Лобар образлари
таҳлилида ҳам роман ботинида пинҳон эстетик мантиқ асосида иш тутилмоғи
зарур. “Шафоат пари номусини Тешиа овчига топшириб” қўйган енгилтак
эмас, аксинча, ифратни мудом даҳлсиз ва мўътабар санаган, ёвузлик ва
разолатни касб қилган ўша гумроҳ чангалига ноилож тушиб қолган мушфиқ
аёлдир. Муסיқа жодусини дилдан туюдиган ва ўша жоду халоскор куч эканига
ишонган Лобар тақдири қайсидир жиҳатдан ҳам содда, ҳам хокисор, ҳам
нозиктаъб Шафоат пари тақдирига ўхшайди. Эри Мусабек ўгити асосида
меҳру оқибат, вафою ишонч, садоқату ҳимматни муқаддас билган Лобар
айни шу фазилати туфайли жабр кўради, сираси, қорни тўйгандан кейин
ўзи ва умр йўлдоши ҳурматини топтаган худбин хизматкор Тоғай тузоғига
илинади. Яхши ҳамки мудҳиш маломатдан хожанг маҳбубасини қутқар деган
илтижоси оиланинг қадрдон дўсти Қарчиғай тулпор қалбига туғён солади.
Натижада бедов матонатли ва жасур халоскорга эврилиб, Лобар покиза
қолади. Адолат юзасидан қарғишга учраб, ночор тарзда Айригум жарига
қулаган Тоғай қиёмат қойимга қадар ажалини кутиб ётишга мажбур. Демак,
адиб кўр-кўрона мудҳиш маънавий жиноят қилган, хусусан, биров хасмига
кўз олайтирган кимса тоабад ўла билмай қийналиш ва ўқинишга маҳкум
деган долзарб рамзий хулосани тақдим этмоқда ва ушбу хулоса асарда ўртага

қўйилган эстетик концепциялардан биридир.

Роман бадиий-эстетик хусусиятлари миқёсини далилловчи мазкур мулоҳазалар Зилола нафс ва алдов, Шафоат пари нафс ва зўравонлик, Лобзар нафс ва хиёнат қурбони бўлганини яққол исботлайди. Маънан бир-бирига тўлдирадиган бу образлар асар динамикасини жонлантириш, психологик ва драматик тарангликни кучайтиришга қўмаклашади. Ҳаётини тасоҳиф ва зарурат асосида улар қисматида рўй берган оғир маънавий фожиалар Аваз, Заранг дароз ва Мусабек характерларининг изчил шаклланиши, руҳий дунёлари кенг очилишида муҳим ўрин тутади.

Етакчи образлар билан ёрдамчи рамзий образлар ўзаро уйғунлик ва ҳамкорликда ҳаракатланиши роман архитектурани яхлитлигини таъминлаш, хусусан, матн поэтик ритмини ибтидодан интиҳога қадар бир маромда сақлаш воситасига айлангани таҳсинга лойиқ. Аваз, Заранг дароз, Халил пурча, Маждид гушна ва шериклари билан Ниҳон, чипор илон, қизил бошан илон, етти қирғий ўртасида кечадиган психологик жараёнлар тасвири адиб услубининг янги қирраларини намоён қилади. Мавридида қўлланилган нозик ишоралар эзгулик ва ёвузлик, адолат ва жаҳолат, олижаноблик ва тубанлик, садоқат ва хиёнат, саховат ва қурумсоқлик моҳияти ҳақида кенг қўламада чуқур ўйлаш ва тегишли хулосалар чиқаришга чорлайди. Фаритга Ниҳон ўғитларидан озиқланиб руҳланидиган Ниҳон Заранг дароз ва Халил пурчанинг жонлари турқи совуқ газандалар таналарида пинҳон эканини билгандан кейин эсанкираб қолади. Умр бўйи чўлдан ўтин ташиб сотган ва шуҳисобдан аранг қорин тўйгазган Заранг дароз қирқямоқ чопони қатларида беҳисоб зару зевар беркитиб юргани – умр бўйи ўзини ўзи алдагани, қадру қиммати ва иззатини менсимагани ва ниҳоят чегарасиз қийноқлар эвазига мисқоллаб тўплаган бойлиги қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган Халил пурча тасарруфига ўтиб кетганига гувоҳ бўлгач, инсон шахсияти, феълу атвори ва дили ҳаётнинг ўзи каби ғоят мураккаб, тушуниксиз ва чигал эканига имон келтиради.

Муҳими шундаки, роман тасаввуфий ҳикматларга йўғрилган, маъзи тўқ фалсафий қарашлар ва маърифий маслақларни жамлаган бадиий жиҳатдан пухта мифологик лавҳалар мажмуига ўхшайди. Ибратли эстетик маъно ташийдиган бир қанча ихчам тамсиллий ривоят ва масаллар улар мазмунига мазмун қўшади ва натижада роман бадиий бўёғи қуюқлашиб, драматизмида айрича инқилоб кечади.

Ҳаёт тимсоли саналган Қурама чўлида туғиладиган ажиб асотирлар аслида моҳиятан Аваз шуури, руҳияти ва кўнглидан сизиб чиқаётгандек туюлади. Абадият тоғини чўқилаб қулатиш учун қасдланган қора кузгунлар, кексалик чангалига тушиб изтироб чекаётган бургут, лайлақлар подшоҳи билан дўстлашган чол, сариқ чаёнга яхшилик соғиниб, бемаврид ажал топган ўлкан тошбақа, харобазор талашиб яшайдиган бойқушлар, жаҳолат ва ҳасад яшини зарбидан бели синган эман дарахти ва бир қанча бошқа рамзий образлар тақдири ҳақидаги чўпчаклар ўқувчини роман эстетик қатламлари ва етакчи қаҳрамонлар руҳий дунёсига олиб кирувчи тимсоллар бўлгани учун қимматлидир.

Хулоса шуки, тасаввуф таълимоти, мажозийлик, истиора ва мифология унсурлари, илғор адабий оқимлар ва тажриба мактаблари ютуқларидан

тўйиниб, бетакрор бадиий “Заррадаги олам” романи муносиб бўй кўрсатиб т кенгайтириш, олам ва с туйиш ва англаш, бадиий пайдо қилишда самарали

РЕЗЮМЕ: Мақолада ҳоз Дилмуроднинг “Заррадаги с мажозийлик ва мифология ўрганилган.

РЕЗЮМЕ: В статье прозаиков Асада Дилмурода аллегорические и мифологич

RESUME: The article in member of the contemporary allegory, muth, elements and t

Таянч сўз ва иборалар: мифология, ретроспектив, г

Ключевые слова и выра аллегория, мифология, рет произведение.

Key words and word es allegory, mythology, retrospe

ДЕ

Бадиий асардаги ҳа беради. Барча жонс сақданганидек, инсон бугунгача босиб ўтил инсон характери тас тўғрисида тасаввур ёзувчидан катта маҳор уй” ҳикоясида ана шу.

Асардаги воқеала кузатилмайд. Унда 1 оддий кундалик жара орқали миллий тарби

Асар экспозицияс ирғишлаб кириб кел шохлаб кетган каттак юрган таргил мушук гўё мушукнинг устиг оғзидан ваҳимали би равишда “до”лаб, ўри “ҳазилинг қурсин”, де

тўйиниб, бетакрор бадий-эстетик хусусиятлар намоён айлаган кўп қатламли “Заррадаги олам” романи бугунги миллий насримизда ҳам, адиб ижодида ҳам муносиб бўй кўрсатиб турибди. Роман бадий-эстетик тафаккурни янада кенгайтириш, олам ва одам моҳиятини замон талаблари асосида янгича туйиш ва англаш, бадий маҳоратни янада оширишга интилиш кўникмасини пайдо қилишда самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

РЕЗЮМЕ: Мақолада ҳозирги ўзбек насрининг истеъдодли вакилларида бири Асад Дилмуроднинг “Заррадаги олам” романи ва унда акс эттирилган тасаввуф таълимоти, мажозийлик ва мифология унсурлари ҳиссий тафаккур асосида шакллантирилганлиги ўрганилган.

РЕЗЮМЕ: В статье рассматривается роман одного из известных узбекских прозаиков Асада Дилмурода “Мир в Заратустре”, передаваемое в нем суфийское учение, аллегорические и мифологические элементы, основанные на эмоциональном мышлении.

RESUME: The article investigates the novel “The world in units” by one of the greatest member of the contemporary Uzbek prose writers Asad Dilmurod and the study of sufism, allegory, myth, elements and their development on the basis of emotional thoughts in it.

Таянч сўз ва иборалар: роман, эпиграф, образ, модерн адабиёт, драматизм, мажозийлик, мифология, ретроспектив, гротеск, поэтик ритм, эксперимент асар.

Ключевые слова и выражения: роман, эпиграф, образ, литература модерна, драматизм, аллегория, мифология, ретроспектива, гротеск, поэтический ритм, экспериментальное произведение.

Key words and word expressions: romance, epigraph, image, modern literature, drama, allegory, mythology, retrospective, grotesque, poetic rhythm, experimental work.

Абдуваҳоб ҚАЮМОВ

ДЕТАЛЬ ВА БАДИЙ ТАСВИР

Бадий асардаги ҳар бир чизги халқ турмуш тарзидан, руҳиятидан хабар беради. Барча жонзотлар вужудида эволюцион жараёнлар элементлари сақланганидек, инсон тафаккури маҳсули бўлган адабиётда ҳам қадимдан то бугунгача босиб ўтилган тарих излари яққол кўзга ташланади. Яъни биргина инсон характери тасвири орқали бутун миллатнинг тарихи ва бугуни тўғрисида тасаввур бера олиш мумкин. Албатта, бундай образ яратиш ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Наби Жалолидиннинг “Эркаги бор уй” ҳикоясида ана шундай қаҳрамонлар ўз ифодасини топган.

Асардаги воқеалар тизимида қутилмаган, ҳайратланарли тасвирлар қузатилмайди. Унда ижтимоий мавзудаги қадимий халқ эртаклари мисоли оддий кундалик жараёнлар қаламга олинган. Бола, она, маҳалла тасвирлари орқали миллий тарбия масаласига катта эътибор қаратилган.

Асар экспозициясида бола қуйидагича тасвирланади: “Дарвозахонадан ирғишлаб кириб келган болакай уй ёнида тарвақайлаб ўсиб, том устигача шохлаб кетган каттакон ўрикнинг остида эринчоқлик билан тимирскиланиб юрган тарғил мушукни кўриб, бир тўхтаб олди. Кейин қўлидаги сумкасини гўё мушукнинг устига иргитаётгандек қаттиқ силтади ва шу силташ асносида оғзидан ваҳимали бир товуш чиқардики, мушук ҳам ўша товушга ҳамоҳанг равишда “дод”лаб, ўрикнинг икки одам бўйи келадиган шохига сакраб, болага “ҳазилинг қурсин”, дегандай қараш қилди-да, бойвачча юриш билан қинғир-

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Д.Худойберганава. Лингвостилистика: янгича ёндашув ва талқинлар	3
Ш.Кўчимов, О.Юлбарсов. Қонун ижодкорлигида услуб масалалари.....	8

Д.Худойберганава.
Ш.Кучимов, О.Юлбарсов.

Адабиётшунослик

Д.Қуроноф. Лирик асар композицияси	14
И.Ҳаққул. Ҳамза абадияти	23
Й.Солижонов. Янгиланаётган лирик “мен”	28

Д.Қуроноф. Композицияси
И.Ҳаққул. Бессмертная
Й.Солижонов. Промени

Фольклоршунослик

Т.Мирзаев. “Гўрўғли” туркуми дostonларининг дастлабки нашри ҳақида.....	33
М.Жўраев. Чўпон юлдузи билан боғлиқ астраль мифлар	44

Т.Мирзаев. О персоне
М.Жураев. Астраль

Илмий ахборот

Ю.Ибрагимов. Ўзбек халқ шевалари лексикасини хариталаштириш муаммолари.....	54
Н.Улуков. Чустий маснавийсининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	57
М.Ҳақимова. Ўзбек тилида абстракт сифатлар	61
Д.Ҳасанова. Семасиология муаммоларига доир	66
Н.Умурзоқова. Сегмент қурилмалар прагматик тадқиқ объекти сифатида	71
М.Раҳимова. Сўзнинг семиотик хусусиятлари.....	76
Ш.Сирожиiddинов. Олам манзараси тушунчасига доир	80
Б.Ражабова. Лутфий газаллари бадииятига доир	87
Г.Ашурова. Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” драмаси	94
Б.Бўронова. Таржимада ибораларнинг берилиши	99
Д.Тўраева. Романда мажозий тасвир қўлами	103
А.Қаюмов. Деталь ва бадиий тасвир	107
З.Содиқов. Диний сўзлар таржимасида транскрипция ва транслитерация	110
Г.Қурамбоева. Қорақалпоғистондаги ўзбек тилли шоирлар	113

Ю.Ибрагимов. Промени диалектов.....
Н.Улуков. Лингвопоэтика
М.Ҳақимова. Абстракт
Д.Ҳасанова. О семасиологии
Н.Умурзокова. Сегмент
исследований...
М.Раҳимова. Семиотика
Ш.Сирожиiddинов. Олам
Б.Ражабова. Художественная
Г.Ашурова. Драма
Б.Буронова. Передача
Д.Тураева. Охват
А.Қаюмов. Деталь
З.Содиқов. Транскрипция
Г.Қурамбоева. Узбекские

Фанимиз заҳматкашлари

И.Ҳаққул, Э.Очилов. Сайфиiddин Рафиiddин	117
------------------------------------------------	-----

И.Ҳаққул, Э.Очилов.

Танқид. Такриз. Библиография

Ш.Искандарова, Н.Улуков, Ё.Одилов. Ассоциатив тилшуносликка оид янги тадқиқот	119
Э.Очилов. “Мақорим ул-ахлоқ”нинг тўлиқ илмий-изоҳли таржимаси	121
Янги нашрлар	124

Ш.Искандарова, Н.Улуков,
лингвистика
Э.Очилов. Полный
ахлоқ”.....
Новые издания ...

Илмий ҳаёт

Ғафур Ғулом таваллудининг 115 йиллигига бағишланди.....	127
Хотира анжумани	127
Уммат Тўйчиев.....	128

Посвящается 115
Памятная конференция
Уммат Туйчиев....